МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ

«PROGRESS AUDIT» АУДИТОРЛИК
ТАШКИЛОТИ

200100, Hamza ko' cha, 14-uy Buxoro sh. Тел. (8-365) 223-86-40
х/р № 20208000003201832001, МФО: 00088. ИНН:202359083. Ипотека банк Бухоро булими, ХХТУТ: 84400.

Бухоро шахар «AMUBUXOROKANALQURILISH» Акциядорлик Жамиятининг 1.01.2018 йилдан 31.12.2018 йилгача молиявий хўжалик фаолияти буйича

Ижобий аудиторлик хулоса.

2019 йил 8 апрел. Бухоро ш.

Бухоро шахар МЧЖ **«PROGRESS-AUDIT»** аудиторлик ташкилотига,Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 7 октябр 2013 йилда берилган № 351-ракамли гувохномаси ва Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 22 апрел 2016 йилдаги Серия АФ № 00310-сонли лицензиясига асосан Узбекистон Республикаси худудида аудиторлик текширувини утказиш хукукини берилган.

Манзили: Бухоро шахар, Хамза кучаси 14 уй, 5 хонада жойлашган ташкилотнинг аудитори, Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 11 июнда берилган № 05395-сонли аудитор малака сертификати эгаси «Прогресс-Аудит» Маъсулияти Чекланган жамият аудитори С.С.Хаитов «AMUBUXOROKANALQURILISH» акциядорлик жамияти билан МЧЖ шаклидаги «PROGRESS-AUDIT» аудиторлик ташкилоти ўртасида 1.04.2019 йил № 1/148-сонли тузилган шартномага асосан «AMUBUXOROKANALQURILISH» акциядорлик жамиятининг 1.01.2018 йилдан 31.12.2018 йилгача молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тузилган хисоботлар юзасидан аудиторлик текшируви ўтказдим.

Жамият Бухоро шахар солик инспекцияси томонидан солик тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган бўлиб 201188227 сонли инденфикацион раками берилган.ОКЭД: 42910 Манзили: Бухоро шахар Накшбандий кучаси 288 уй х/р № 20210000100219486001 Туробанк Бухоро филиали МФО: 00111 ОКОНХ: 61128.

Аудиторлик текширувига доир жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти бўйича тузилган хисоботларнинг хакконийлигига «AMUBUXOROKANALQURILISH» акциядорлик жамияти хбарияти жавобгардир.

Молиявий хисоботларга асосан берилган аудиторлик хулоса учун аудиторлик ташкилоти маъсулдир. Биз аудиторлик текширувини **АФМА**га мувофик ўтказдик.

Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий хисоботлар жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини такозо этади.Аудиторлик текшируви хакконийликни ва молиявий хисобот хамда бошка молиявий ахборотнинг конун хужжатларига, шунингдек молиявий хўжалик фаолиятининг хакикий холатига мувофиклигини бахолашга асосланади.

Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «AMUBUXOROKANALQURILISH» акциядорлик жамиятининг молиявий хўжалик муомилалари Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларининг талабларига мувофик келади.

Бухоро шахар МЧЖ «PROGRESS-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти рахбари С.С.Хаитов.